

“Чирчиқ” технопарки — Ўзбекистон-Корея ҳамкорлигининг навбатдаги майдони

// 24.09.2025

<https://www.uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/chirchiq-tehnoparki-uzbekiston-koreya-hamkorligining-navbatd>



Тошкент вилояти ва Жанубий Кореянинг Кёнсанг-Намдо провинсияси ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик янги босқичга кўтарилмоқда. Бугун “Чирчиқ” кимё-индустриал технопаркида ўтказилган бизнес-форум бу йўналишдаги амалий қадамлардан бири бўлди.

Тадбирда Тошкент вилояти ҳоками Зоир Мирзаев, маҳаллий тадбиркорлар, шунингдек, Кёнсанг-Намдо губернатори Пак Ван Су бошчилигидаги Корея делегацияси аъзолари иштирок этди. Айтиш жоизки, Тошкент вилоятида бугунги кунда 10 та эркин иқтисодий ва 70 та кичик саноат зонаси фаолият юритмоқда. Улар муайян соҳаларга ихтисослашган бўлиб, инвесторлар учун қулай шарт-шароитлар, шу жумладан солиқ ва божхона имтиёзлари таклиф қилинмоқда.



Бизнес-форумнинг айнан “Чирчиқ” кимё-индустриал технопаркида ташкил этилгани бежиз эмас. Ҳозиргача мазкур ҳудудда умумий қиймати 85 миллион долларга тенг 23 та лойиҳа амалга оширилиб, 977 та янги иш ўрни яратилган. Жанубий Корея сармояси асосида бу ерда фаолият юритаётган икки компания — “DHMT GLOBAL” ва “IOTA Co” — технопаркдаги ҳамкорликнинг амалий намунасидир.



Овоз жиҳозлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган “DHMT GLOBAL” МЧЖ 2 миллион долларлик инвестиция орқали 30 нафар мутахассисни иш билан таъминлаган. “IOTA Co” МЧЖ ХК эса автомобил кондиционерлари учун қувур ва шланглар ишлаб чиқариш лойиҳасига 6,1 миллион доллар йўналтириб, 150 та иш ўрни яратди.



Бизнес-форум доирасида корейлик меҳмонлар технопаркда амалга оширилаётган лойиҳалар билан яқиндан танишиб, келгусидаги ҳамкорлик истиқболларини муҳокама қилдилар.



“Ўзкимёсаноат” АЖ Матбуот хизмати